



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **20** yil « **11** » **сентябрь**

№ **550**

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4768-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ёшлар ишлари агентлигининг ҳуқуқий мақоми ва тузилмаси;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг **асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари;**

Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари, шу жумладан, директор ўринбосарларининг **соҳа йўналишлари бўйича асосий вазифалари ҳамда жавобгарлиги;**

Агентлик фаолиятининг ташкилий асослари, ҳисобдорлиги, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари, ҳайъат ва бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органларининг ҳуқуқий мақоми;

Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “II” сентябрдаги 550 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва масъулияти, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Агентлик Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, шунингдек, ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) бўйсунди.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, ўз номи ёзилган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Агентликнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги,
қисқартирилган номи – Ёшлар ишлари агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Youth Affairs Agency of the Republic of Uzbekistan,
қисқартирилган номи – Youth Affairs Agency;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по делам молодежи Республики Узбекистан,
қисқартирилган номи – Агентство по делам молодежи.

8. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 11-уй.

2-боб. Агентликнинг тузилмаси

9. Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

Агентликнинг марказий аппарати;

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимлари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар);

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти;

“Yoshlar media holdingi” акциядорлик жамияти (Агентлик тегишли муассис ва акцияларининг улушлари доирасида).

10. Ҳудудий бўлинмалар (туманлар ва шаҳарлар бўлимлари бундан мустасно) юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритади.

3-боб. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш;

иқтидорли ёшларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига таълим олиш учун юбориш, халқаро танловларда иштирок этишини таъминлаш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини ривожлантириш;

ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш;

ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш;

ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

12. Агентлик ўзга юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид ягона давлат сиёсати асосларини, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мувофиқ ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлайди, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларнинг самарали ижро этилиши мониторингини олиб боради;

демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида ёшлар ролини ошириш ишларини ташкил этади;

б) мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш соҳасида:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ишлар ҳолатини доимий равишда ўрганиб боради ҳамда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

илғор хорижий тажриба асосида ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

давлат органлари ва ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишидаги фаолияти юзасидан сўровлар юборади ва улар фаолиятини таҳлил қилади;

в) ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

ёшларнинг таълим, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳалардаги фаолияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил этади, зарур ҳолларда ушбу вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимларини жалб қилган ҳолда амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид фаолиятини таҳлил қилади, баҳолайди ва улар бўйича хулосалар тайёрлайди, шунингдек, ушбу соҳадаги ишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ёшларга оид қонун ҳужжатлари ижросининг ҳолати тўғрисидаги ахборот ва материалларни таҳлил қилади ҳамда умумлаштиради, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

г) ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” гояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш соҳасида:

ёшларни турли ахборот хуружлари, радикал гоя ва ёт мафкуралардан ҳимоя қилиш, ёш авлодни Ватан манфаати йўлида бирлаштириш, мамлакатимиз тарихини ва миллий қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, диний бағрикенглик ва инсонийлик туйғуларини шакллантириш чораларини кўради;

ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол вояга етказиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш бўйича кенг кўламли ташкилий, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

ёшларнинг илм-фанни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолият билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўради;

ёшларнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги кафолатларини яратиш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда ёшларга руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳамда уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда зарур тадбирларни амалга оширади;

ёшлар онгида миллий ғурурни шакллантириш ҳамда мустақкамлашга хизмат қиладиган публицистик, чизма, фото ва видео материалларни тайёрлайди ҳамда тарғиб қилиш чораларини кўради, хорижий оммавий ахборот воситаларида турли материаллар жойлаштириш орқали мамлакатимиз ижобий имижини шакллантиради;

д) ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини амалга оширишда фаол иштирок этиш соҳасида:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланишларига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган ёшларга кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

ёшлар ўртасида салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар натижадорлигини оширишда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилади;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказиши ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

е) ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш соҳасида:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик ўрнатади;

нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ғоявий-методик, илмий-амалий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашади;

нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ёшларга оид муаммоли масалалар, шу жумладан, уларни ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифларни ўрганади ва таҳлиллар асосида тегишли муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўради;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ахборот-коммуникация, инновацион технологияларни жорий этиш, маданият, санъат, китобхонликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя, экология ва бошқа соҳаларда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

з) ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш соҳасида:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлайди;

ёшларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари, ташаббуслари, илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлайди;

ёшлар сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлайди ҳамда уларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши мониторингини олиб боради;

давлат органлари ва ташкилотлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

маҳаллий ва халқаро ташкилотлар, олий таълим муассасалари, илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик қилади, уларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида тренинглар, конференциялар, семинарлар ва танловлар ўтказиши;

ж) тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиши ва бандлигини таъминлаш соҳасида:

тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар учун белгиланган ижтимоий кафолатлар бўйича ишлар ҳолатини мунтазам равишда ўрганади, уларни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради;

тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ишга жойлаштирилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатади, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

и) иқтидорли ёшларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига таълим олиш учун юбориш, халқаро танловларда иштирок этишини таъминлаш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешик муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини ривожлантириш соҳасида:

ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқади ҳамда бу борадаги тадбирлар тизимли амалга оширилишини таъминлайди, ёшлар ўртасида танлов, фестиваль, форум, мусобақа ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни рағбатлантиришни ташкил этади ва амалга оширади;

ёшлар, ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, танловлар ташкил этади ва ўтказиши;

ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ахборот технологияларига бўлган қизиқишларини янада ривожлантириш, уларни “Ёшлар академияси” фаолиятига кенг жалб қилиш чораларини кўради;

ёшлар ўртасида волонтерлик ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, улар фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёш хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларга замонавий касб-ҳунар ўргатишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этади;

к) ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш соҳасида:

ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, касб-ҳунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллаши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида бажарилаётган ишлар, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни мониторинг қилиб боради, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ёшларнинг инновацион, амалий ва истиқболли стартап лойиҳалари бўйича республика миқёсида танлов ўтказди ва ғолибларга грантлар, ёшларга қудуқларни бурғулаш (қазिश), суғориш воситалари, енгил конструкцияли иссиқхоналар, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидиялар ажратади;

ёшлар тадбиркорлиги соҳасида форум, тадбир ва ярмаркалар ўтказди, ёш тадбиркорларнинг халқаро форум ва ярмаркалардаги иштирокини таъминлайди, жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёҳатлар ташкил этади;

ёш тадбиркорларга ҳуқуқий, бухгалтерия, маркетинг, брендинг, банк, суғурта, меҳнат ва бошқа соҳаларда амалий кўмаклашиш учун консалтинг хизматлари харажатларини қоплайди, тадбиркорлик йўналишлари бўйича бизнесни йўлга қўйишдан даромад олишгача бўлган масалаларни ўргатишга қаратилган масофавий ўқув машғулотлари ўтказилиши ва қўлланмалар яратилишини таъминлайди;

ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни, ёшлар ишсизлиги сабабларини ўрганади ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ёшлар, айниқса, ёш оилаларни тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, ёшларнинг ўзини ўзи банд қилиш, жумладан, фрилансерлик фаолиятини ривожлантириш ишларини амалга оширади;

л) ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш соҳасида:

ёшлар ўртасида халқаро интеллектуал, спорт ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада конференция, кўргазмалар, ижодий сафарлар ташкил этиш, халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган танловлар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда иқтидорли ва истеъдодли ёшлар иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

илғор халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган тизимли ишларни амалга оширади, “Ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индекси” асосида мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш чораларини кўради;

хорижда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ёшлар билан мулоқотлар олиб боради, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тизимли ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таклифлар тайёрлайди ҳамда бу борада ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилади;

м) ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:

хорижий инвестициялар, шу жумладан, ноу-хау ва илғор технологиялар ҳамда грант ва кредит маблағларини жалб қилиш зарур бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлайди ҳамда улар бўйича лойиҳалар ишлаб чиқади;

ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларга бизнес фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш мақсадида хорижий кредит ва грантларни жалб қилиш учун халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар билан музокаралар ўтказади;

ёшларнинг илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳалардаги иқтидори ва истеъдодини ривожлантириш, уларни бирлаштирадиган замонавий инфратузилма объектларини ташкил этиш лойиҳалари учун хорижий инвестициялар ҳамда грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўради.

13. Агентлик ҳудудий бўлинмаларининг ҳудудларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган асосий вазифалари ва функциялари Агентлик директори томонидан белгиланади.

4-боб. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1-§. Агентликнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

14. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонун ҳужжатлари бажарилишини, зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари иштирокида ўрганиш;

ўз ваколатлари доирасида ёшлар, жумладан, тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

Агентлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид давлат сиёсати масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари ва ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритиш;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни саралаб олиш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда ички назорат, коррупцион ҳуқуқбузарликлар ва қонунларга зид бошқа ҳаракатлар, шунингдек, Агентлик тизими ходимлари томонидан касбий ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш ҳамда профилактикасини амалга ошириш;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотларга йўналтирилладиган Давлат бюджети молиявий ресурсларини тақсимлашда иштирок этиш;

вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш ва олинган даромадларни мустақил равишда тасарруф этиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш ва ёшлар масалаларини ёритиш учун матбуот органларини таъсис этиш;

ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида Агентлик ва унинг идоравий тузилмаларига тегишли давлат мулкани белгиланган тартибда бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бир ҳудудий бўлинмадан бошқасига топшириш;

биноларга хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналар, хўжалик жиҳозлари, автотранспорт, алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техникаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, дастурий таъминотни харид қилиш учун белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Агентлик идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Агентликнинг ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва такомиллаштириш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши юзасидан жавобгар бўлади.

2-§. Агентлик ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

16. Агентлик ҳудудий бўлинмалари куйидаги ҳуқуқларга эга:

ёшларга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилишини, шу жумладан, ҳудудларда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида ёшлар, жумладан, тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг ёшлар масалалари билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари, хайъатларида иштирок этиш;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш.

17. Агентлик ҳудудий бўлинмалари қуйидаги мажбуриятларга эга:

ёшларга оид қонун ҳужжатлари, Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари топшириқлари, шунингдек, ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

ёшлар соҳасидаги республиканинг тегишли дастурлари ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳолати тўғрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этиш.

5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

18. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича танқидий таҳлиллар ўтказиш;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ истиқболдаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Агентлик фаолиятига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари кўрсатмаларини бажариш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасидаги мажбуриятларни тақсимлаш, Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Агентлик фаолиятининг маълум бир соҳаларини бошқаришда ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Агентликнинг фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентликнинг фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг тизимли равишда малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик тизимида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар кадрлари захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Агентликка ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги ва ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқариш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза кўйиш);

Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўринбосарлари, худудий бошқармалар ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижаларини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, Агентлик йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалар асосида зарур чоралар кўриш;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимларда кейинчалик қолишининг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62–сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

Агентлик, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ишларини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этишни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341–сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ўзаро алоқани ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Агентлик раҳбарияти ва ходимларининг фаол иштирокини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қилган ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш;

зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар низомларини ҳамда уставларини тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлинмалари ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишлар қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Агентлик тизимида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрناق кўрсатган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармоқларини ривожлантиришда алоҳида ўрناق кўрсатган ходимларни фахрий ёрликлар ҳамда бошқа рағбатлантиришлар билан тақдирлаш;

Агентлик мол-мулкани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Агентлик ходимларини ҳамда ҳудудий бошқарма ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини тизимли равишда тайёрлаш ва хорижий мамлакатларда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш.

19. Қуйидагилар директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

директор вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг ўзи назорат қиладиган идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолиятининг ўзи назорат қиладиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларнинг режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларн тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича директорга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентлик таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари директор томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ва ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасининг аппаратида кўриб чиқилишида директорнинг топшириғига асосан иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Агентлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

соҳага оид масалалар бўйича Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни директорга киритиш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича директорга таклиф киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62–сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

давлат хизматлари самарадорлигини, улардан эркин фойдаланишни ва уларни кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341–сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонида мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган барча муурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

ўз фаолияти соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, касбий таълим муассасаларининг ўқув даражаси ва сифатини тубдан оширишга кўмаклашиш, кадрларни, шу жумладан, хориждаги илғор илмий-тадқиқот муассасалари ва таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

ўз фаолияти соҳасида хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

жумладан, соҳа йўналишлари бўйича:

а) директорнинг биринчи ўринбосарининг асосий вазифалари:

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ёшларга оид сиёсатини мувофиқлаштириш;

ёшларга оид қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш;

ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

б) директор ўринбосарининг асосий вазифалари:

ёшлар ўртасида инновация ва рақамли технологияларни ривожлантириш;

ёшларни илм-фанга жалб қилиш ва уларга мотивацион кўмаклашиш;

ёшлар ташкилотлари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш;

в) директор ўринбосарининг асосий вазифалари:

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

беш ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш;

ёшлар ўртасида волонтерликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

г) директор ўринбосарининг асосий вазифалари:

ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

Агентлик тизимининг молиявий-иқтисодий асосларини ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

20. Қуйидагилар Агентлик марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

тегишли бўлинма фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Агентликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Агентликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни директорнинг тегишли ўринбосарига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари ва фармойишлари, унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Агентлик ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам бериш;

таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда директор ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионалиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини директор томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ва ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасининг аппаратида кўриб чиқилишида Агентлик раҳбарияти топшириғига асосан иштирок этиш;

таркибий бўлинмага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимларининг Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

иш юритиш соҳасидаги намунали ходимларни аниқлаш ва мукофотлаш юзасидан Агентлик раҳбариятига таклифлар киритиш.

21. Қуйидагилар Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Агентликнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ушбу бошқармаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

худудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

худудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижроси таъминланиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари, фармойишлари ва унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Агентлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ходимларнинг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, худудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимларини бошқаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш;

худудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назоратини таъминлаш;

худудий бошқармаларда ва туманлар (шаҳарлар) бўлимларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, худудий бошқармалар кадрлар захирасини шакллантириш;

Агентлик раҳбари номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, худудий бошқармаларга ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги қафолатини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чоралар кўриш;

ҳудудий бошқармалар ходимларининг ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳудудий бошқармаларда, давлат архивлари ва уларнинг филиалларида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг бўлинмалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган кўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Агентликка киритиш;

ҳудудий бошқармалар ходимлари ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий бошқармалар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятига оид масалалар бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан эркин фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равишда шахсан, шу жумладан, сайёр қабуллар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонида мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

ҳудудий бошқармалар ходимларининг лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Агентликка таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, судларда ва ташкилотларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг бўлинмалари манфаатларини ифода этиш.

6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

22. Агентлик директори:

мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Агентликка юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Агентлик ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегия ва концепцияларда кўзланган натижаларга эришилиши, уларнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга таъсири;

Агентлик тизимида ижро интизомига қатъий риоя этилиши учун жавобгар бўлади.

23. Агентлик директорининг ўринбосарлари:

ишониб топширилган йўналишлар ва соҳалар бўйича вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

мутасаддилик қилинаётган йўналишлар бўйича соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга оид чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавобгар бўлади.

24. Агентлик ҳудудий бўлинмаларининг бошлиқлари:

юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли бажарилишини ташкил этиш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунчилик, Агентлик раҳбарларининг топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳолати тўғрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавобгар бўлади.

7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

1-§. Агентлик раҳбарияти

25. Агентликка Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Агентлик директорининг ўринбосарлари, шу жумладан, биринчи ўринбосари Агентлик директори тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра – вазирга, унинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосарлари – тегишли равишда вазир ўринбосарларига, Агентликнинг марказий аппарати ходимлари – вазирликлар марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ходимлари эса – вазирликлар ҳудудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади.

26. Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари раҳбарлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

2-§. Агентлик ҳайъати, бошқа маслаҳат, консултатив ва эксперт органлари

27. Агентликда директор (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек, унинг фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий бўлинма ва идоравий мансуб, таркибий тузилмалар раҳбарларидан ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Агентлик директори тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

28. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Агентлик фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Агентлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда таркибий ва ҳудудий тузилмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

тизимли равишда Агентлик фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

Агентлик фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган, шу жумладан, жойларда сайёр мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Агентлик марказий аппарати ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Агентлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустақамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш;

ҳайъат Агентлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

29. Ҳайъат мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

30. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

31. Ҳайъат қарорлари директорнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

32. Директор ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, директор юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини хабар қилиши мумкин.

33. Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламенти билан белгиланади.

34. Агентлик ҳузурида директор (Кенгаш раиси), Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳамда фаол ёшлардан иборат таркибда ёшлар масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда – Жамоатчилик кенгаши) ташкил этилади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони, шахсий таркиби ва низоми Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Кенгаш раисига Жамоатчилик кенгаши мажлисида қабул қилинган қарор асосида унинг шахсий таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилади.

Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:
ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш, шунингдек,
ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга тўсқинлик қилаётган
муаммоли масалаларни муҳокама қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча
кафолатларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурий
ҳужжатларнинг амалий ижроси механизмларини танқидий кўриб чиқиш;

ёшларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга
оид таклифларни ишлаб чиқишда, шу жумладан, ишлаб чиқиладиган
ва Агентликка кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда ҳулосалар бериш;

Агентликка юкланган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш.

8-боб. Агентлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

35. Агентлик фаолияти мунтазам баҳолаб борилади.

36. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш
тегишли мезонлар ва ишчи индикаторларга асосланади.

37. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш
яқунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш)
ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг
фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

38. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш
тартиби ва услуби Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар
Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш

39. Агентлик ходимларининг иш ҳақи қонунчиликда назарда тутилган
лавозим маоши, қўшимчалар, устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи
тўловлардан ташкил топади.

Агентликнинг марказий аппарати ходимларига узоқ муддат хизмати учун
ҳар ойда қуйидаги миқдорда устама ҳақ тўланади (рағбатлантириш
коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан коэффициент
ҳисобида):

1 йилдан 3 йилгача – 0,5;

3 йилдан 5 йилгача – 0,8;

5 йилдан 10 йилгача – 1,0;

10 йилдан 15 йилгача – 1,2;

15 йилдан ортиқ – 1,5.

Узоқ муддат хизмати учун ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи, Агентлик томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

40. Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 январдаги ПҚ–2722-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

10-боб. Агентликнинг ҳисобот бериши

41. Агентлик раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий тузилмалари ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

42. Вазирлар Маҳкамаси Агентлик раҳбарларининг фаолиятининг юкланган вазифаларнинг улар томонидан самарали бажарилиши бўйича доимий мониторингини олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигини ҳолисона баҳолайди.

43. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра Агентликнинг алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларини рағбатлантириш чоралари кўрилади, жиддий камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан эса, тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилади.

11-боб. Яқунловчи қоида

44. Агентлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

